# Qishloq HAYOTI

2003 YIL 22 IYUL, SESHANBA

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№92 (6.617). Sotuvda erkin narxda


*Бугун мана шу юксак минбардан туриб, барча ғаллакорларимизга, лафзи ҳалол, мард ва танти деҳқонларимизга, барча қишлоқ меҳнаткашларига, хўжалик, туман ва вилоят раҳбарларига Ватанимизнинг қудрати, халқимизнинг фаровонлигини ошириш йўлида қилаётган фидокорона меҳнатлари учун чин қалбимдан самимий миннатдорлик изҳор этиш менга чексиз мамнуният бағишлайди.*

**Ислом КАРИМОВ**

# 2003 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА БУ СОҲАЛАРДА ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҲАҚИДА

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси



Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бугунги йиғилишимиз кун тартибига қўйилган асосий масала бу-2003 йилнинг биринчи ярми якунларининг муҳокамаси.

Сизларга яхши маълумки, биз шу йил бошида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, 2003 йил ва кейинги йилларда иқтисодиётимизни янада эркинлаштириш ҳамда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган устувор йўналишларнинг аниқ дастурини белгилаб олган эдик.

Бугун ана шу дастур талабларидан келиб чиққан ҳолда, жорий йилда ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларга эришиш йўлида қандай ҳаракат қилаётганимизни танқидий ва принципиал нуқтаи назардан баҳолаш кўзда тутилмоқда.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, ўтган вақт мобайнида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳаларида изчил ривожланиш ҳаракатлари давом этди.

Мамлакатимизда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, тўлов интизомини яхшилаш, иқтисодиётимизда мутаносибликни кучайтириш йўлида ижобий натижаларга эришилди.

Биринчи ярим йилликда ялпи ички маҳсулот ҳажми 3,8 фоизга ўсди. Иқтисодиётнинг деярли барча соҳа ва тармоқлари жадал ва изчил ривожланди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми - 5,5 фоизга, истеъмол моллари - 4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари - 3,8 фоизга, инвестициялар ҳажми эса 2,6 фоизга кўпайди. Аҳоли бандлиги ўсиш суръатларининг барқарорлиги сақлаб қолинди - бу кўрсаткич 102,8 фоизни ташкил этди.

Буларнинг барчаси ва биринчи навбатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 фоиз, реал даромадларни эса 8 фоизга кўпайтириш имкони пайдо бўлди.

Биз йил бошида мамлакатимизда бюджет соҳасида изчил ва қаттиқ кредит-молия сиёсатини ўтказиш, шу тартибга қатъий амал қилиш орқали бюджет даромадлар ва харажатлар қисмининг жорий йил учун тасдиқланган кўрсаткичларини бажариш, шунингдек, бюджет камомадини қоплашга қаратилган инфляцион манбаларга барҳам беришга қарор қилган эдик.

Натижада биринчи ярим йилликда давлат бюджетининг бажарилиши таъминланди ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз профицит билан якунланди. Корхоналарнинг солиқ юкини енгиллаштириш ва солиқ тизимини унификация қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ҳам биринчи ярим йиллик якунларига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди.

Маълумки, 2003 йилдан бошлаб фойдадан олинадиган солиқ ставкаси 24 фоиздан 20 фоизга, юридик шахслар учун иш ҳақи фондидан ижтимоий суғурта ажратмалари 37,3 фоиздан 35 фоизга пасайтирилди. Шунингдек, айрим солиқ турлари умуман бекор қилинди.

Бу чора-тадбирлар маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳволини яхшилашга, корхоналарнинг инвестиция соҳасидаги фаоллигини оширишга хизмат қилди. Биринчи ярим йиллик мобайнида корхоналарнинг ўз инвестициялари ҳажми 18 фоизга ортди ва у иқтисодиётга йўналтирилган барча инвестицияларнинг 46 фоизини ташкил этди.

Банк тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда тижорат банклари фаолиятида ҳам ижобий тенденциялар кўзга ташланмоқда. Олтин-валюта захираларимиз сезиларли даражада ўсди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида тижорат банкларининг жами маблағлари 32 фоизга ортди, кредитларнинг қайтарилиш даражаси яхшиланди. Бу эса, ўз навбатида, ўтган ярим йилликнинг ўзида берилган кредитлар ҳажмини 36 фоиз оширишга имкон туғдирди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи ҳам ортиб бормоқда. Буни одамларимизнинг депозит ҳисоб-рақамларига қўйган омонатлари 44 фоизга ортгани ҳам кўрсатиб турибди. Банк хизматлари тармоғи сезиларли даражада кенгайди, хусусий ва минибанклар сони кескин равишда ортди. Мана шу ҳисобот даврининг ўзида хусусий банклар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб икки баравар кўпайди.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз бўйича ҳаммаси бўлиб 15 та минибанк фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 530 тадан ошиб кетди. Кичик ва ўрта корхоналар, фермер хўжаликларининг банк тизими хизматларидан фойдаланиш имкониятлари анча кенгайди.

Қаттиқ пул-кредит сиёсатини ўтказиш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган рақобатга бардошли маҳсулотлар билан тўлдириш борасида амалга оширилган аниқ тадбирлар инфляция суръатларини пасайтиришда ижобий роль ўйнамоқда.

Агар 2002 йилнинг биринчи ярмида инфляция суръатлари 14,4 фоизни ташкил этган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 4,2 фоиздан иборат бўлди. Бу эса, табиийки, миллий валюта - сўмимизни ҳар томонлама бақувват қилишда ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда.

Биринчи ярим йилликда валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, банклараро валюта бозорини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича муҳим натижаларга эришилди.

Валюта сиёсатини эркинлаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида амалда миллий валютамизнинг алмашиш курслари унификация қилинди, биржадан ташқари ва бошқа валюта бозорларида шаклланган курслар ўртасидаги фарқ деярли барҳам топди.

Бугунги кунда бизнинг олдимизда турган асосий вазифа, сўмнинг жорий операциялар бўйича конвертациясига эришганимиздан сўнг, унинг алмашув курсини барқарор равишда сақлаб туриш учун барча шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Бу иқтисодий сиёсатимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлмоғи керак. Бунинг учун эса бизда барча зарур омиллар - маблағ ҳам, имкониятлар ҳам мавжуд.

Июнь ойида Халқаро валюта жамғармаси вакиллари Тошкентда бўлиб, мамлакатимизда валюта режимини эркинлаштириш бўйича кўраётган чора-тадбирларимизга юқори баҳо берди.

Мазкур жамғарма билан ҳамкорликда жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютамиз конвертациясини таъминлашга доир ҳаракат режаси ишлаб чиқилди.

Бу режанинг муваффақиятли амалга оширилиши шу йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистон учун Халқаро валюта жамғармаси Битимининг 8-моддасига тегишли барча стандартларни қабул қилиш имконини беради.

Мамлакатимизнинг ташқи савдо фаолиятида, экспорт ва импорт таркибида ижобий силжишлар рўй бермоқда. Ўтган ярим йил мобайнида ташқи савдо айланмаси қарийб 23 фоизга, шу жумладан, экспорт 41 фоизга ошди.

Айни пайтда, биринчи ярим йилликда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тайёр маҳсулот экспортининг ҳажми 1,6 марта ўсганини, унинг экспорт таркибидаги улуши 35 фоиздан 41 фоизга кўтарилганини ҳам айтиб ўтишимиз керак.

Ташқи савдода 530 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди. Мамлакатимизнинг тўлов баланси янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон ўзининг барча ташқи мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китобларни ўз муддатида амалга оширмоқда.

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан ташқи савдо алоқалари кенгайиб, тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан ўзаро муносабатларимиз ҳам тобора кучаймоқда.

Узоқ хорижий мамлакатларга маҳсулот экспорт қилиш ялпи экспорт ҳажмининг 77 фоизини, импорт эса 62 фоизни ташкил этмоқда. Бу - мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашиб, дунё бозорларидаги кескин рақобат шароитида ўз ўрнини эгаллаб, нуфузини мустаҳкамлаб бораётганидан яна бир далолатдир.

Ана шу сиёсатни амалга оширишнинг муҳим йўналиши - бу ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган қўшма корхоналар ташкил этиш ҳисобига иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришдан иборат.

Ярим йил мобайнида иқтисодиётда капитал қўйилмалар ҳажми 2,6 фоизга ўсди ва бу ялпи ички маҳсулотнинг учдан бирини ташкил этади. Жами инвестицияларнинг 60 фоиздан кўпроғи биринчи навбатда ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Инвестициялар таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар содир бўлди, марказлашмаган манбалар, яъни корхоналар маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳиссаси 56 фоиздан 67 фоизга ўсди.

Ярим йилликда 200 миллион АҚШ долларидан кўпроқ хорижий инвестициялар ўзлаштирилди, шундан 65 миллиони тўғридан-тўғри инвестициялар бўлиб, уларнинг миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 барабарга ортди.

Жорий йилнинг ўтган даврида автомобиль ойналари ишлаб чиқарадиган «Автоойна» акциядорлик жамияти, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Олоттекс» қўшма корхонаси қувватлари ишга туширилди. «Шўртан» газ-конденсат конида юқори босим берувчи компрессор станцияси қурилиши тугалланиб, ускуналарни синаш ишлари бошланди.

Шунингдек, кўмир саноати конларини техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларнинг биринчи босқичи якунланди, «Сино» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида совутгичлар ишлаб чиқариш қайта йўлга қўйилди, Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида нитрат кислотаси ва аммиакли селитра ишлаб чиқарадиган линия қурилишининг якуний босқичи тугалланмоқда.

Шу билан бирга, айрим уюшма ва компаниялар локализация, яъни маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ортда қолмоқда.

Бу кўрсаткичлар «Ўзгўштсутсаноат» давлат уюшмасида 21,6 фоиз, «Ўзфармсаноат» давлат концернида 22,4 фоиз, «Ўзпахтасаноат» уюшмасида 23,9 фоиз, «Файз» холдинг компаниясида 40 фоиз, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясида 40,3 фоиз, «Ўзкоммунхизмат» агентлигида 40,5 фоиз ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясида 40,9 фоизга бажарилган, холос. Айниқса, ярим йил давомида 33 та лойиҳа бўйича амалий ишларнинг бошланмагани барчамизни қаттиқ ташвишга солиши лозим.

(Давоми 2-бетда)

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

***18 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ҳамда ушбу соҳаларда ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига бағишланган мажлиси бўлди.***

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда жорий йилнинг биринчи ярмида барқарор иқтисодий ривожланиш давом этгани, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамлангани, тўлов интизоми ошгани, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳалари мутаносиблиги кучайгани ҳақида гапирди. Босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, барча соҳаларда муайян ютуқларга эришилди.

Олти ой ичида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 103,8 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 105,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 103,8 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 104,0 фоиз ва пулли хизматлар ҳажми 104,4 фоиз ўсди.

Ушбу рақамлар иқтисодиётимиздаги ижобий ўзгаришларнинг ўзига хос кўзгуси сифатида юртимизда бозор муносабатларини шакллантириш жараёнлари жадал ва самарали давом этаётганини кўрсатиб турибди.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос муҳим жиҳатларидан ҳисобланувчи хусусийлаштириш, хусусий мулкчиликни шакллантиришнинг аҳамияти катта. Ҳисобот даврида 698 корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштиришдан тушган жами маблағ 22,5 миллиард сўмни ташкил қилди.

Президентимиз хусусийлаштириш ва хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётдаги ролини ошириш бўйича қабул қилинган Фармон ва қарорлар талаблари тўла ва кўнгилдагидек ижро этилмаётганига алоҳида тўхталди.

Ўтган даврда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари бўйича, жумладан, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир Фармонлар ва уларнинг ижросига қаратилган ҳукумат қарорлари, дастурлар, бошқа муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳаётга кенг жорий этишга йўналтирилган амалий ишлар давом этмоқда. Мажлисда ана шу ҳужжатлар ижроси бўйича мавжуд аҳвол танқидий нуқтаи назардан теран таҳлил этилди.

Шунингдек, фермер хўжаликларини ривожлантиришни янги поғонага кўтариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун кенг кўламли суғурта хизматлари кўрсатиш тизимини жорий этиш, айниқса, қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш суст бораётгани оқибатида қурилиш ишларини вақтида бажариш ва объектларни фойдаланишга топшириш қониқарсиз аҳволда экани жиддий кўрсатиб ўтилди. Танлов савдолари ўтказишда қонун бузилишлари ҳамон давом этаётгани, қурилиш қийматининг ошириб борилиши ҳоллари мавжудлиги, лизинг ва лойиҳа-инжиниринг хизматлари кўрсатиш тизими талаб даражасида ривожланмаётгани, хусусий қурилиш ташкилотлари равнақига эътибор қаратилмаётгани қайд этилди.

Йиғилишда иқтисодий ва демократик янгиланишлар йўлига ғов-тўсиқ бўлаётган барча даражадаги бошқарув тизими нуқсонларини бартараф этиш зарурлиги таъкидланди. Маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, шу жумладан, давлат статистика ва идоравий ҳисоботи тизимини қайта кўриб чиқиш ва бошқа долзарб вазифалар бўйича тегишли тавсиялар, кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосари, иқтисодиёт вазири Р.Азимов, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири А.Жўраев, давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М.Асқаров, Наманган вилояти ҳокими Т.Жабборов, Сирдарё вилояти ҳокими Р.Ҳайдаров ва Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожоновнинг ахборотлари тингланди.

Мажлисда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг ҚАРОРИ*

## 2003 йилнинг I ярим йиллигида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ҳамда ушбу соҳаларда ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида барқарор иқтисодий ривожланиш тенденцияси давом этди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, тўлов интизоми ошди, умуман иқтисодиётнинг ва унинг айрим соҳаларининг мутаносиблиги кучайди.

Ялпи ички маҳсулот (103,8%), саноат (105,5%) ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (103,8%), истеъмол товарлари ишлаб чиқариш (104,0%) ва пулли хизматлар ҳажми (104,4%) ўсиши таъминланди. Аҳолининг иш билан таъминланганлиги ўсишининг барқарор тенденцияси сақлаб қолинди - 102,8 фоиз. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз профицит билан бажарилди.

Пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар инфляция суръатларига ижобий таъсир кўрсатмоқда, у биринчи ярим йилликда 2002 йилдаги 14,4 фоиз ўрнига 4,2 фоизни ташкил қилди.

Жорий ярим йилликда тижорат банкларининг жами капитали 32 фоизга кўпайди, кредитларнинг қайтарилиши яхшиланди. Банк тизимига ишонч ошди - аҳолининг депозит ҳисоб рақамларидаги омонатлари 44 фоизга кўпайди.

Валюта сиёсатини янада эркинлаштириш соҳасида жиддий силжишга эришилди, валюталарнинг алмашув курслари унификациясига амалда эришилди, биржадан ташқари ва параллель валюта бозорлари курслари ўртасидаги тафовут бартараф этилди.

2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида 698 корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди. Хусусийлаштиришдан тушган жами маблағ 22,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Қимматли қоғозлар иккиламчи бозори айланмаси ярим йиллик мобайнида 1,5 баравардан кўпроқ ошди.

Жорий йилда янгидан 27,7 минг микрофирма, кичик ва ўрта корхона ташкил этилди, бунинг натижасида 211,4 минг янги иш ўрни барпо этилди. Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга 104,6 млрд.сўм, шу жумладан ўз ишини янгидан бошлаётган тадбиркорлар учун бошланғич сармояга 1,7 млрд.сўм йўналтирилди.

Ҳозирги вақтда кичик ва ўрта тадбиркорлик улушига ялпи ички маҳсулотнинг 34 фоизи тўғри келади ва иқтисодиётда жами банд бўлганларнинг 56 фоизи ушбу секторда меҳнат қилмоқда.

Ташқи савдо фаолиятида ижобий силжишлар рўй бермоқда -ташқи савдо айланмаси ярим йиллик мобайнида қарийб 23 фоизга, шу жумладан экспорт 41 фоизга ўсди, тайёр маҳсулотлар экспорти 1,6 баравар кўпайди. Ташқи савдода 530 млн. АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди.

Фермер хўжаликларини устувор ривожлантириш таъминланмоқда. Ҳисобот даврида зарар кўриб ишлаган 178 та қишлоқ хўжалиги корхонаси негизида 11 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил қилинди. Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш бўйича ҳисоб-китоб қилиш тизими ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқариш тузилмаси такомиллаштирилмоқда.

Иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгартиришлар инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига чуқурлашди. Иқтисодиётга капитал қўйилмалар ҳажми 2,6 фоизга ўсди. Барча инвестицияларнинг 60 фоизидан кўпроғи ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилди. Ярим йиллик мобайнида 200 млн. АҚШ долларидан кўпроқ хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори ўтган йилдагига нисбатан 1,9 баравар кўпайди.

Шу билан бирга, якунлар таҳлили ҳали ҳам кўпгина захиралар ҳамда имкониятлардан ва, энг аввало, яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланилмаётганлигидан далолат бермоқда, хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалигида ва капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнлари суст бормоқда.

Корхоналарни хусусийлаштиришнинг қабул қилинган дастурини бажариш ишлари етарли суръатлар билан олиб борилмаяпти. Ярим йиллик мобайнида «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компаниясида атиги 2 та объект, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясида 3 та, Матбуот ва ахборот агентлигида 4 та ва Халқ таълими вазирлигида 8 та объект хусусийлаштирилган. Ушбу иш Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида суст олиб борилмоқда.

Хусусийлаштириш жараёнларига, энг аввало, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси тизимидаги йирик корхоналарни ва бошқа кўплаб корхоналарни хусусийлаштириш жараёнларига хорижий инвестицияларни жалб этиш ишларининг аҳволи қониқтирмайди.

«Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси (21,6%), «Ўзфармсаноат» давлат концерни (22,4%), «Ўзпахтасаноат» уюшмаси (23,9%), «Файз» холдинг компанияси акциядорлик жамияти (40%), «Ўзбекенгилсаноат» компанияси (40,3%), «Ўзкоммунхизмат» агентлиги (40,5%) ва «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси (40,9%) маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг белгиланган прогнозларидан орқада қолишга йўл қўйишди. 33 лойиҳани амалга ошириш бошланмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида маҳаллий бюджетларга даромадлар тушумининг прогноз параметрлари бажарилишини таъминламадилар.

Қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини кенгайтириш ишлари етарли олиб борилмаяпти.

Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ниҳоятда суст бормоқда - танлов савдолари ўтказишда қонун бузилиши, қурилиш қийматининг ошириб юборилиши ҳоллари мавжуд, лизинг ва лойиҳа-инжиниринг хизматлари кўрсатиш тизими ривожланмаяпти.

Бошқарув тизимида маъмурий-буйруқбозлик усуллари, бюрократизм, корхоналарнинг хўжалик фаолиятига аралашиш ҳамон сақланиб қолмоқда. Кўплаб амалда фойдаланилмайдиган ҳисобот маълумотлари йиғилмоқда. Барча даражалардаги давлат, тармоқ ва ҳудудий бошқарувнинг мавжуд тизими ўтказилаётган иқтисодий ва демократик ислоҳотлар йўлида кучли тўсиқ бўлмоқда.

2. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари биринчи ярим йилликда минтақаларда, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши якунларини ўн кун муддатда танқидий кўриб чиқсинлар, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов маърузасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг:

«Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон;

«Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226-сон;

«Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон фармонларида қўйилган вазифалар рўёбга чиқарилишини таъминловчи зарур чора-тадбирлар комплексини амалга оширсинлар.

3. Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган ҳужжатларнинг амалга оширилиши мониторинги бўйича махсус Ҳукумат комиссияси (Р.С.Азимов ва К.Н.Тўлаганов) қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Ҳукумат қарорларининг ижроси бўйича ишларнинг аҳволини яна бир марта танқидий таҳлил қилсин, 2003 йил учун белгиланган топшириқлар ва параметрларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўрсин. Ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси мажлисига хусусийлаштириш, иқтисодиётда хусусий секторнинг ролини янада ошириш, қишлоқ хўжалигида ва капитал қурилишда ислоҳотларни чуқурлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларининг ва Ҳукумат қарорларининг бажарилиши ва натижалари тўғрисида таҳлилий материаллар киритсин.

4. Маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш Республика комиссияси (Р.С.Азимов) Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш якунлари бўйича мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов маърузасида баён қилинган принципиал қоидалардан келиб чиққан ҳолда бир ой муддатда аниқ Дастур тайёрласин ва уни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Давлат мулки қўмитасининг ва ушбу Протоколнинг 1-бандида қайд этилган ишлаб чиқариш бирлашмаларининг давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва давлат активларини сотиш, корхоналарни корпоратив бошқариш принципларини жорий этиш ва тармоқларда хусусий сектор улушини ошириш бўйича ишларининг қониқарсизлиги қайд этилсин.

(Давоми 3-бетда)

# 2003 йилнинг I ярим йиллигида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ҳамда ушбу соҳаларда ислоҳотларнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида

(Боши 1-бетда)

Давлат мулки қўмитаси (Асқаров) зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналар давлат активларини сотишнинг, бошланғич нархни босқичма-босқич қайта кўриб чиқишнинг ўзгарувчан тизими жорий йилнинг III чораги мобайнида жорий этилишини таъминловчи механизмларни ўн кун муддатда ишлаб чиқсин, шунингдек потенциал инвесторларга эмитентлар, акциялар котировкаси, сотув ҳажмлари ва шу кабилар тўғрисидаги маълумотларни етказиш бўйича ахборот тизими яратилишини таъминласин.

Амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 2003 йилнинг октябрида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

6. Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси, Молия вазирлиги паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор давлат корхоналарини хорижий инвесторларга ва мамлакатимиз инвесторларига аниқ инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш учун уларнинг рўйхатини икки ҳафта муддатда белгиласинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг (Жўраев), Қашқадарё (Зайниев), Сурхондарё (Қодиров) вилоятлари ҳокимликларининг минтақалар қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришни жадаллаштириш ва фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича ишлари қониқарсиз деб эътироф этилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Агросаноат комплекси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси қисқа муддатларда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида ва унинг ҳудудий тузилмаларида ташкилий қайта ўзгартиришларни тугалласинлар, уларни муносиб кадрлар билан тўлдиришни таъминласинлар. Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

8. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги:

амалдаги қонун ҳужжатларининг мулкчиликнинг ижара шаклларини ва хўжалик юритиш тизимини такомиллаштиришга, шартномавий муносабатлар асосида фаолият кўрсатаётган оилавий пудратчилар ҳамда фермерлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид қисмига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан ўн кун муддатда таклифлар тайёрласинлар;

Олий хўжалик суди билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига нисбатан жарима санкцияларини қўллаш амалиётини икки ой муддатда танқидий таҳлил қилсинлар.

9. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Жалолов) республиканинг тегишли вазирликлари ва идоралари мутахассисларидан иборат комиссия тузсин ҳамда бир ой муддатда Сирдарё ва Жиззах вилоятларига бориб коллектор-дренаж тармоқларининг техник аҳволини яхшилаш ва ерларни қишлоқ хўжалиги экинлари экишга сифатли тайёрлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги суғурта компаниялари билан биргаликда, халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун кенг кўламли суғурта хизматлари кўрсатиш тизимини жорий этишга кўмаклашувчи чора-тадбирларни икки ой муддатда ишлаб чиқсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, уй-жой-коммунал хўжалиги ва транспорт комплексига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига капитал қурилиш соҳасида бозор ислоҳотларининг қониқарсиз даражада эканлиги, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишга ноқонуний аралашиш ва уларнинг тартиб-қоидаларини бузиш ҳоллари мавжудлиги кўрсатиб ўтилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, уй-жой-коммунал хўжалиги ва транспорт комплекси (Тўлаганов):

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига капитал қурилишда хўжалик муносабатларини такомиллаштириш ҳамда «Давархитектқурилиш» қўмитаси тўғрисидаги янги низомни ва унинг тузилмасини тасдиқлаш тўғрисидаги Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини киритсин;

Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда 2003-2004 йилларда қурилиш ташкилотларини, улар негизида асосан хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этган ҳолда, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини тугаллаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўрсин;

Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда қурилиш соҳасида бозор талабларига жавоб берадиган менежерларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг яхлит тизимини яратиш юзасидан бир ой муддатда таклифлар киритсин.

12. Молия вазири (Нурмуродов)га, Давлат солиқ қўмитаси раиси (Сайфиддинов)га, уларнинг ҳудудий тузилмалари раҳбарларига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ҳокимликларига жорий йилнинг I ярим йиллигида республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларининг прогноз кўрсаткичлари айрим вилоятлар ва манбалар бўйича бажарилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин. Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари бўйича бюджетнинг даромад қисми бажарилмаганлиги йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол деб ҳисоблансин.

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қўшма ҳайъати, вилоятлар ҳокимликлари қарори билан айбдор шахслар - вилоятлар ва туманлар солиқ органлари раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача даражада қатъий жавобгарликка тортилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

лимитланадиган ва квоталанадиган маҳсулотларни тақсимлашнинг амалдаги тизимини тугатиш ҳамда уларни биржалар, ким ошди савдолари ва бошқа бозор механизмлари орқали сотишни кенгайтиришни;

тасдиқланадиган моддий балансларнинг кўпчилигини асосий прогноз кўрсаткичларини асослаш учун зарур бўлган ҳисоб-китоб баланслари сифатида сақлаб қолиб, улар рўйхатини қисқартиришни батафсил ўрганиб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Давлат статистика ва идоравий ҳисоботи тизимини қайта кўриб чиқиш, қисқартириш ва бирхиллаштириш вазифаси маъмурий ислоҳотларни амалга оширишнинг энг муҳим қисми ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2003 йил 1 ноябргача бўлган муддатда:

барча ҳисобот маълумотларини танқидий қайта кўриб чиқсин ҳамда ишлаб чиқаришни ва сотишни тезкор бошқариш учун, шунингдек баланслар ҳамда жорий ва истиқболли прогнозларни ишлаб чиқиш учун фойдаланиладиган бошқа муҳим таҳлилий материалларни тайёрлаш учун зарур бўлган ҳисоботнигина сақлаб қолсин;

ҳисобот бериш шаклларининг моҳияти ва мазмунига алоҳида эътибор қаратиб, эҳтиёж бўлмаган кўрсаткичларни чиқариб ташлаб, зарур бўлмаган, фойдаланилмайдиган ҳисоботни қисқартириш чора-тадбирларини кўрсин.

15. Вазирлар Маҳкамаси Комплекслари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2003 йилнинг иккинчи ярим йиллигида республиканинг барча минтақаларида маҳаллий хом ашёдан буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги тайёр маҳсулот (тикувчилик, трикотаж, чарм буюмлар ва пойабзал) ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил этиш ҳисобига истеъмол товарларини ўзимизда ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича қабул қилинган дастурлар бажарилишини таъминлаш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар.

Натижалари тўғрисида 2003 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ахборот берилсин.

16. Республика иқтисодиёти тармоқларини 2003-2004 йиллар куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (Тўлаганов) манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда:

1991 йилгача қурилган уй-жойларни мукаммал таъмирлаш бўйича йўл қўйилган қолоқликнинг ўрни тўлдирилишини ва умуман жадвалнинг бажарилишини ҳамда барча уй-жой фондининг 2003-2004 йиллар куз-қиш даврига сифатли тайёрлаб қўйилишини;

коммуникация тармоқларини таъмирлаш-тиклаш ишлари ўз вақтида амалга оширилишига ҳамда зарур суюқ ва қаттиқ ёқилғи тайёрлаб қўйилишига алоҳида эътибор қаратган ҳолда республика иқтисодиёти тармоқларини куз-қиш даврига тайёрлаш бўйича тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши юзасидан ҳар ойда мониторинг ва назорат олиб борилишини таъминласин.

Амалга оширилаётган ишлар тўғрисида 2003 йил 9 ойи якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ахборот берилсин.

17. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзагромашсервис», «Ўзпахтасаноат» уюшмалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, қишлоқ туманлари ҳокимликлари билан биргаликда жорий йилнинг июль-август ойларида ғўзани парвариш қилишни кучайтириш ва жорий йилнинг 10 августигача қадар барча моддий-техник базани таъмирлаш ва 2003 йил ҳосили пахта хом ашёсини қабул қилишга тайёрлаб қўйишни тугаллаш учун пахта йиғимига тайёргарлик кўриш юзасидан зарур ташкилий-иқтисодий чора-тадбирларни амалга оширсинлар.

18. Мазкур протоколнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т.Султонов зиммасига юклансин.

Ушбу протоколнинг бажарилиши 2003 йил январь-сентябрь ойлари якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И.КАРИМОВ**

2003 йил,
18 июль

---

**БУНЁДКОРЛИК**

## "БЎСТОНЁП" ИШГА ТУШДИ

***Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудудида йирик сув иншооти - "Бўстонёп" канали қурилиши биринчи навбати тугалланиб, қўриқ Элликқалъа тумани хўжаликлари далаларига оби-ҳаёт равон оқа бошлади.***

Шу боис деҳқонларнинг қувончи чексиз бўлди. Бунинг ўзига хос сабаби бор, албатта.

...Маълумки, Кўрғошинқалъа-ю Кўкча, Аёзқалъа-ю Тупроққалъа, Жалдиққалъа-ю Гулдурсин оралиғидаги бир неча юз минг гектарни эгаллаган Жамбасқалъа, Қирққиз ва Элликқалъа массивларида минг йиллар олдин ота-боболаримиз деҳқончилик қилишган. Ноёб суғориш иншоотлари бунёд этилиб, бу заминни боғу-бўстонга айлантиришган. 250 дан кўп маҳобатли қалъа-ю қўрғонлар қуришган. Аммо Амударё ўзанини ўзгартириб, боғу-бўстонлар қуриб қолди. Тупроққалъа, Аёзқалъа каби жаннатмакон масканлар ҳувиллаб, одамлар дарёга яқинроқ жойларга кўчиб кета бошлади.

Ўтган асрнинг 70-йилларида бу масканларга кишилар қайта кўчиб келиб, саҳрога иккинчи ҳаёт бахш этишга киришди. Ўнлаб замонавий турар жой масканлари барпо этилди, сув келтирилиб, 30 минг гектар ер ўзлаштирилди. Бироқ ҳали ҳам оби-ҳаётга бўлган эҳтиёж юқори эди. Шулар эътиборга олиниб, 2001 йил Туямўйин сув омборидан сув оладиган "Бўстон" канали қурилиши бошланган эди.

Уни "Қорақалпоқсувқурилиш" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг Тўрткўл, Элликқалъа ва Беруний туманидаги бўлимларига қарашли 70 та техника воситалари билан қазишга киришилди. Мазкур иншоотни бунёд этиш ишлари ғоят мураккаб шароитларда олиб борилди. Чунки секундига 50 куб метр сув оқизиш қувватига эга бўладиган, 35,3 километр узунликдаги каналнинг 26 километри Қизилқум узра ўтарди. Бунёдкорлар олдиларига қўйилган вазифани белгиланган муддатда адо этишди. "Бўстонёп"нинг 28 километрлик биринчи навбати битказилиб, 1 миллиард 400 миллион сўмлик иш бажарилди. Шундай қилиб, эндиликда асосан Элликқалъа туманининг қўриқдаги 18 минг гектар экинзорларини кафолатли тарзда сув билан таъминлаш имкони туғилди.

Бунёдкорлар ишни яна давом эттириб, каналнинг иккинчи - 7,3 километрлик навбатини ҳам келаси йил ишга туширишни режалаштиришган. "Бўстонёп"нинг учинчи навбати ҳам қазилганидан сўнг Беруний туманидаги қўриқ ерларга ҳам сув етказиб берилади. Хуллас, Амударё соҳилида жойлашган бу туман хўжаликларининг салкам 30 минг гектар экинзорларини суғориш учун электр ва дизел ёнилғиси билан ишловчи насос станцияларига эҳтиёж қолмайди. Миллион-миллион сўм маблағ иқтисод қилинади.

**А. ИСКАНДАРОВ**

---

**ХУШХАБАРЛАР**

## НАМАНГАНЛИК ҒАЛЛАКОРЛАР ЮТУҒИ

***Наманганлик ғаллакорлар давлатга 227 минг тонна сара дон топшириб, шартномавий режани уддаладилар. Эришилган зафарга салмоқли улуш қўшган Учқўрғон, Норин, Тўрақўрғон, Наманган тумани деҳқонлари ҳар гектар майдондан 55-61 центнердан ҳосил кўтаришди.***

Наманган туманидаги "Абдубанно" фермер хўжалигида бу кўрсаткич 105 центнерга етди. Қолган майдонлардаги ҳосилни ўз вақтида йиғиб олиш, ялпи хирмонни 383 минг тоннага, ўртача ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун кураш давом этмоқда. Вилоятда келгуси йил ҳосили учун салкам 20 минг тонна уруғлик ғалла тайёрланди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, вилоят бўйича ғалладан олинадиган умумий даромад 21,8 миллиард сўмни, соф фойда эса 5,6 миллиард сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

**Рустамжон УММАТОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## ТОШКЕНТНИНГ ДОНИ

***ТОШКЕНТ. /ЎзА мухбири Н.ДУШАЕВ/. Вилоят деҳқонлари давлат омборларига 278,5 минг тонна дон топшириб шартнома-режани бажарди.***

Ҳар гектар майдондан ўртача 44 центнердан ҳосил олинди. Эришилган муваффақиятга Чиноз, Тошкент, Қибрай, Оққўрғон, Бекобод туманлари ғаллакорлари муносиб ҳисса қўшди.

Вилоятда ўрим давом этмоқда.

---

## ҚИБРАЙДА ҚЎШ ҚУВОНЧ

***Қибрайда қўш қувончли воқеа деярли бир пайтда бўлиб, уйғунлашиб кетди: "Обод маҳалла йили" муносабати билан республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловда Қибрай тумани ғолиблардан бири деб топилиб, тақдирланди.***

Бу мукофот барча қибрайликларни, шу жумладан, ғаллакорларни ҳам руҳлантириб юборди. Улар давлатга ғалла сотиш шартнома режасини ошириб адо этиб, шодликка шодлик қўшишди. 3510 гектар суғориладиган, 1600 гектар лалми ерда бошоқли дон етиштирган ғаллакорлар жами майдоннинг олтмиш фоизи ўриб-янчиб олинганда шартномани бажаришга муваффақ бўлишди. Давлат ғалла қабул қилиш корхоналарига 8378 тоннадан зиёд дон сотилди. Ҳосилдорлик ҳозиргача қарийб 42 центнерни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич ғалла ўрим-йиғими тўла ниҳоясига етгунга қадар 50-55 центнердан ошади.

**ИЖОБАТ**

Туман муваффақиятига Тўроб Нормуҳамедов номли, "Турон", "Маданият" ширкатлари ва бошқа хўжаликлар катта ҳисса қўшдилар. Фермерларнинг улуши ҳам салмоқли бўлмоқда. Қурбон Хўжаев, Рисқали Зиёвуддинов, Ҳаким Содиқов ва бошқа ўнлаб тажрибали фермерлар ҳосилдорликни 60-65 центнердан оширишди.



-Моддий манфаатдорликнинг яхши йўлга қўйилганлиги муваффақият омили бўлмоқда, - дейди Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Қибрай тумани вакиллиги раҳбари Алишер Турсунбоев. – Режадан ортиқ ҳосилнинг асосий қисми ҳар йили фермерларнинг ўзига берилаётганлиги уларни ҳосилдорликни оширишга ундамоқда.

**Х.ШАМШИЕВА**

**СУРАТДА: фермер Ҳаким Содиқов. Ф.АБДУРАСУЛОВ олган сурат.**

---

## БАНК МИЖОЗ УЧУН

***"Банк мижоз учун" шиори остида иш олиб бормоқдамиз, - деди "Туркистон-пресс" мухбирига "Пахтабанк"нинг Қорақалпоғистон республикаси бўлими бошлиғи Мақсуд Муйитдинов.***

– Кейинги уч йил мобайнида ташкил топган 1231 та фермер хўжаликларига банк хизматини яқинлаштириш мақсадида 9 та туман бўлимлари таркибида 17 та минибанк шаҳобчалари очилди. Минибанклар мижозларга, шу жумладан деҳқон ва фермер хўжаликларига кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтириб боришни, уларнинг сифатини доимий яхшилашга эътибор бермоқда. Бу ерда мижозлар учун қулай шароитлар яратилган, ҳисоб-китоблар тизимининг илғор усулларидан фойдаланилмоқда.

М.Муйитдиновнинг таъкидлашича, жорий йилда Жаҳон банки кредит линияси бўйича Элликқалъа тумани хўжаликларига мўлжалланиб, ушбу мақсадлар учун 600 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Шу мақсад учун бугунги кунга келиб туман фермер хўжаликларига 98 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди.

**Қорақалпоғистон,**
**"Туркистон-пресс"**

ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**КУНГАБОҚАР УРУҒИ СОТИЛАДИ**



*"Ёғмойтамакисаноат" уюшмасининг "МТ Инвест-Импэкс" фирмасида сотиш учун Ўзбекистон шароитига мослаштирилган 30 тонна Молдова Республикасидан келтирилган Дурагай (Гибрид) кунгабоқар уруғлари мавжуд. Тўлови пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Етиштирилган ҳосилни ёғ заводлари шартнома асосида қабул қилади.*

**Мурожаат учун телефонлар:**
**152-52-84; 152-61-96; 55-39-16.**

## "ДУНЁ-М" ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

"Дунё-М" очиқ акциядорлик жамиятининг навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилиши 2003 йил 15 август куни соат 10.00 да бўлиб ўтади.

**Манзили: Қарши шаҳри, Шайхали қўрғони, Олтин Бошоқ кўчаси.**
**Телефон: 221-01-27**

**КУН ТАРТИБИДА:**

*1.Жамият Уставини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сонли Фармонига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги №189-сонли қарорига мувофиқлаштириш;*

*2.Жамият тафтиш комиссияси гуруҳини қайта сайлаш;*

*3.Жамият таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш.*

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

**Хўжалик, корхона, ташкилот раҳбарлари, фермерлар ва фуқаролар диққатига!**
*"Ёғмойтамакисаноат" уюшмаси таркибидаги Қўқон шаҳар масъулияти чекланган жамият шаклидаги*

**EFFEKTIV OIL**

хорижий корхонаси чекланмаган миқдорда

**МЕВА УРУҒИ ВА ДАНАКларини**

СОТИБ ОЛАДИ

Бу хайрли ишларингиз билан мустақил республикамиз халқига шифобахш дори-дармон ёғларни тайёрлашга ўз ҳиссаларингизни қўшган бўласизлар.

Турли хилдаги уруғ ва данакларнинг сотиб олиниш тартиби ва нархлари тўғрисидаги маълумотлар юзасидан қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:

**Тошкентда 8 (371-2) 98-68-52; 98-68-53**
**Қўқонда 8 (373-55) 3-61-28; 2-13-83**
**Манзил: 713000, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Усто-бозор кўчаси, 94-уй.**

Деҳқон ва фермер хўжаликлари соҳиблари, Сизлар учун!

**ПУРКАГИЧЛАР КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!**

**Боғлар, сабзавот пайкаллари, узумзорлар, иссиқхоналар ва шахсий ҳовли-жойлардаги дов-дарахтлар ҳосилини турли**





**зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, енгил ва қулай қилиб ишлаб чиқарилган пуркагичлардан фойдаланинг. "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси таркибидаги "Агрихим" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида тайёрланаётган бундай пуркагичлар "Ўзстандарт" агентлиги томонидан сертификатлаб берилган ва улардан беш йилдан бери муваффақиятли фойдаланиб келиняпти.**





**Манзил: Тошкент, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй.**
**Мўлжал шампань винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30.**
**Тел: (99871) 169-35-46, 169-49-33. Факс: 169-49-44.**

---




## ПОЛ БРЕМЕР: САДДАМ ТИРИК

***АҚШнинг Ироқдаги муваққат ҳукумати раҳбари Пол Бремернинг айтишича, Саддам Ҳусайн тирик ва у сўнгги пайтларда иттифоқчиларга қарши ҳужумлар уюштирилаётган ҳудудларда яшириниб юрган бўлиши керак.***



Бремернинг фикрича, иттифоқчиларга нисбатан бўлаётган ҳужумлар у қадар катта бўлмаган тўдалар, лекин "профессионал қотиллар" томонидан амалга оширилмоқда. Бугун америкаликлар Ироқда фуқаро мудофааси тизимини шакллантириш билан шуғулланаётган бўлишиб, асосий таркиб маҳаллий кишилардан иборат бўлади.

АҚШ президенти Жорж Буш операцияларнинг 1-фазаси тугаганлигини расман эълон қилган 1 май кунидан буён 37 нафар Америка аскари ҳалок бўлди, дея хабарини якунлайди "Рейтер" агентлиги.

## БЛЭР ДУНЁ ТАШВИШИДА

***Кеча Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Пекинда Хитой ҳукумати билан музокаралар ўтказган, дея хабар беради BBC News.***



Унинг Хитой раҳбари Ху Цзиньтао ва бош вазир Вен Жиабаолар билан бўлган учрашуви чоғида асосий эътибор Шимолий Кореянинг ядровий дастурига қаратилди. Шимолий Корея эса Қўшма Штатлардан ҳужум қилмаслик бўйича шартнома тузишни талаб этаётган бир пайтда, CNN телеканали Шимолий Кореяда янги ядровий объект топилганлиги ҳақида хабарлар тарқатган. Агентликнинг Пентагон ташкилотига таянган ҳолда эълон қилган маълумотида Пхеньяннинг тоғли ҳудудларидаги ер остида жойлашган махфий заводлари ҳақида тўхталинади.

## НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ

***"Ассошиэйтед-Пресс" агентлигининг хабар беришича, Исроил ва Фаластин бош вазирлари Ариэл Шарон ҳамда Маҳмуд Аббослар ўртасида бўлиб ўтган навбатдаги учрашувда асосий эътибор Иордан дарёси ғарбий қирғоғидаги шаҳарлардан Исроил қўшинларини олиб чиқиш ва Исроил қамоқхоналарида сақланаётган фаластинлик маҳбусларни озод этиш бўйича тузилган рўйхатнинг таркибини кенгайтиришга қаратилди.***



Музокаралар якунида Ариэл Шарон ушбу ой охирида уларнинг АҚШ президенти Жорж Буш билан бўладиган кетма-кет учрашувларидан сўнг, томонлар кўтарган масалаларга яна қайтилишини маълум қилди. Манбаларга кўра 25 июл куни Маҳмуд Аббос, 29 июл куни Ариэл Шарон Жорж Буш билан учрашиши керак. Ўтган якшанба куни эса Фаластин мухторияти ўз ҳудудида барча экстремистик гуруҳларнинг фаолият кўрсатишларини тақиқлаб қўйди.

## ҲАМ ЙЎҚОТИШ, ҲАМ ҒАЛАБА

***Кеча Чеченистоннинг Веденск туманида жойлашган Дышне-Ведено қишлоғида жангарилар билан кечган тўқнашув туфайли олти нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлиб, 8 нафари жароҳат олди, дея хабар беради "Интерфакс" агентлиги.***



Маълум бўлишича, жангарилар қишлоқни эгаллаб олишни режалаштирганлар, бироқ федерал кучларнинг ҳаракатлари боис улар мақсадларига эриша олмаганлар ва уларнинг 6 нафари йўқ қилиниб, бир нафари ҳибсга олинган. Якуний маълумотларга кўра, олиб борилаётган аксилтеррор операциялар туфайли сўнгги бир ҳафта ичида 52 нафар жангари йўқ қилиниб, 12 нафари қўлга олинган. Шунингдек, жангариларнинг қурол-яроғ сақланаётган 7 та йирик базаси тугатилган.

## ТОЛИБОН АЪЗОЛАРИ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

***Афғонистоннинг Покистон билан чегарадош Спинболдан шаҳрида собиқ Толибон ҳаракатининг 24 нафар аъзоси йўқ қилинган.***



Маълум бўлишича, халқаро тинчликпарвар кучлар аскарлари кетаётган автокалоннага қўққисдан ҳужум бошлаганидан сўнг, икки ўртада қуролли тўқнашув юзага келган. Афғонистондаги АҚШ қўмондонлигининг билдиришича, тўқнашув вақтида жангариларнинг 5 нафари ўлдирилган. Сўнгроқ уларга ёрдамга келган "Apache" вертолёти кўмагида қолган 19 жангари ҳам йўқ қилинган.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

---

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 22 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 630,90 | 1 Польша злотийси | 245,80 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1540,87 | 1 СДР | 1351,26 |
| 1 Дания кронаси | 147,98 | 1000 Туркия лираси | 0,70 |
| 1 БАА дирҳами | 265,29 | 1 Швейцария франки | 716,98 |
| 1 АҚШ доллари | 974,37 | 1 ЕВРО | 1099,67 |
| 1 Миср фунти | 159,73 | 10 Жанубий Корея вони | 8,26 |
| 1 Исландия кронаси | 12,53 | 10 Япония иенаси | 82,37 |
| 1 Канада доллари | 692,42 | 1 Россия рубли | 32,02 |
| 1 Хитой юани | 117,72 | 1 Украина гривнаси | 182,74 |
| 1 Малайзия ринггити | 256,45 | | |

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Тошкентдаги Й.Охунбобоев номли республика тиббиёт билим юрти томонидан 1993 йил 23 июнда Худойбергенова Насиба Аширбаевна номига берилган № 476538 (рўйхат рақами № 2030)-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан 2003 йил 2 июлда Ильина Елена Евгеньевна номига берилган № 1020576-рақамли (қайд рақами 1441) патент йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Хусусий тадбиркор "Атаматов Шукуржон Захидович"га берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный гос.ордер 09-02/9191 от 2.07.93 г. права собственности Салимова Ахмеда Аминовича на квартиру, считать недействительным.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 112-мактаб томонидан 1993 йили Шамсутдинова Ҳамида Бахтияровна номига берилган АП № 308056 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# ТОШДАН ЯРАЛГАН МЎЪЖИЗАЛАР

ҚАДРИЯТ

***Ғозғон атамаси қаердан келиб чиққан? Шарқнинг буюк мутафаккири Наршахийнинг ёзишича, Амир Аҳмад ибн Ҳомиднинг буйруғига биноан Бухоро шаҳри атрофи девор билан ўраб олинган.***

Сўнг шаҳарни обод қилиш учун шу ерга кўчманчи ва ўтроқ қабилалар кўчириб келтирилган. Ана шу қабилалар катта карвон бўлиб йўлда келаётганида улар орасида уч ака-ука: Яхшилик, Бахшилик, Суюндиқлар қаттиқ чарчаб, бир булоқ бошида сув ичгани тўхтайди, молларини ҳам суғоради, кейин ўша ердаги ғорда ётиб ҳордиқ чиқаришади ва умрбод шу ерда қолиб кетишади.

Бухорога етиб борган карвон бу уч ака-ука уларнинг йўлдан озиб, адашиб қолган жойни "Озғон" деб аташади. Вақт ўтиши билан бу атама "Ғозғон"-га айланган.

Ғозғонлик уста сангтарош Бақо Комилов ҳам бир воқеани ҳикоя қилиб берганди. Чингизхон лашкарлари тахминан 1220 йилларда Нурота кенгликларини забт этади. Ўшанда Чингизхоннинг Ғозихон исмли беги қишлоққа ҳукмронлик қилади ва шу ерда вафот этади. Кейинчалик қишлоқ бекнинг номи билан атала бошлайди. "Ғозғон" сўзи, эҳтимол, ана шундан келиб чиққандир. Бундан 450 йил муқаддам Маҳмуд Ғозғоний исмли машҳур сангтарош ўтган. У мармар буюмлар ясашда, уларга сайқал беришда донг таратган, коса, товоқ, лаъли ясаб, одамларнинг ҳурматига сазовор бўлган. Мармарга унинг қўли билан битилган қуйидаги мисраларига эътибор беринг:

**Оламки, дар у сабот кам мебинам,**
**Дар ҳар фараҳаш ҳазор ғам мебинам.**
**Ин кўҳна равот астки, аз ҳар тарарафаш,**
**Роҳи биёбони адам мебинам.**

Маъноси:

**Бу кўҳна оламда сабаб кам кўрдим,**
**Ҳар бир қувончида минг бир ғам кўрдим.**
**Бу кўҳна равотнинг меҳмонларини**
**Йўқлик дашти томон ҳамқадам кўрдим.**

Бу мисралар битилган мармартош Қўшработ туманининг Жўш қишлоғидаги Кўктош ота қабрига ўрнатилган...

Қишлоқнинг ўртасида улкан чинорли боғ бор. Бу боғда ҳассасига таяниб, нев846аралари билан бирга соя-салқин жойларда, табиат оғушида сайр қилиб юрган қарияларни тез-тез учратиш мумкин. Невараларни етаклаб боғни айланиб юрган бир мўйсафид боғдаги ҳовуз лабига келиб тўхтади.

-Вой, мана бу тимсоҳнинг бошини қаранг, - деди қизалоқ.

-Бу нима, бобожон? Каттакон балиқнинг бошими? – сўради иккинчиси.

Қария хаёлга чўмди шекилли, невералари чуғурини эшитмади, унинг кўз ўнгидан узоқ ўтмиш хотиралари бир-бир ўта бошлади.

Нуротада Абдураҳим Турдиев – Муҳандисни ким билмайди дейсиз? Бу киши улкан сангтарош, чинакам санъаткор, ўз ҳунари билан ном қолдирган. Унинг отасини Турди Шайх дердилар. Абдураҳимжоннинг тоғалари мулла Носир, мулла Шокир, мулла Мўминлар ҳам чинакам сангтарош эди. Улар Бухоро мадрасаларида ўқишган, қишлоқда сангтарошлик санъати билан тирикчилик қилган.

У амир топшириғига биноан Бухородаги Ситораи Моҳи-хосани қуришда фаол қатнашади. Муҳандис санъати тилларда достон бўлади. Шундан сўнг Муҳандис мармардан иккита арслон ҳайкалини ясайди. Ҳозир уларнинг бири – Ситораи Моҳи-хоса музейида ва иккинчиси Бухоро ўлкашунослик музейида сақланади. 550 литр сиғимли мармар қозон эса Шоҳимардон масжидида сақланмоқда.

Муҳандиснинг санъати ва маҳоратига қойил қолганлар унга Ситораи Моҳи-хоса ёнидаги фаввора учун улкан мармар қозон , қувур, ҳовуз учун тимсоҳ ясашни буюради. Истеъдодли Муҳандиснинг моҳир қўллари ясаган тимсоҳлардан бири (тимсоҳ боши) Бухородаги Ситораи Моҳи-хосада ҳовузнинг сув кирадиган жойига ўрнатилган. Иккинчиси-чи?

Ҳалиги мўйсафид невараларини қизиқтираётган ва ўзини хаёлга чўмдирган шу санъат асарларига – Муҳандиснинг ўлмас ижодига яна бир бор таъзим бажо этади. Ҳовуз лабидаги тимсоҳнинг оғзидан шарақлаб сув чиқиб туради, ҳовузнинг иккинчи чеккасига ўрнатилган балиқ боши шу сувни симиради. Мармардан ясалган бу шаклларнинг рамзий маъноси бор: тимсоҳдай ишлайману балиқдай ютаман.

Узоқ ўйга толамиз. Тўқсон йил муқаддам Муҳандиснинг ақл-заковати ва жасоратли меҳнати эвазига ясалган ҳайкалтарошликнинг бу ўлмас асарини ким ўз муҳофазасига олади? Муҳандис ижодининг аниқ-тиниқ қирралари шу чоққача чуқур тадқиқ этилмаган. Тимсоҳ ва балиқ ҳайкаллари қор-ёмғир остида , аёзли ва офтобли кунларда қаровсиз сақланаётганига нима дейсиз? Ёинки, бу икки ўлмас санъат асарларини музейларга олиш вақти келмадимикан? Ҳайкалтарош ижоди тарғиботини махсус қўлланма, буклетларга киритиш мумкин эмасмикин? Навоий вилоят тарих ва ўлкашунослик музейида бу йўналишда махсус бўлим очиш вақти келгандир?

**Ҳамдам ЭШОНКУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

НАМАНГАН ТОМОНЛАРДА

## ДОВОН ЭТАГИДА АЛОҚА КЎПРИГИ

***"Наманган почтаси"нинг Поп филиали ташаббуси билан Қамчиқ довони этагидаги Хонобод қишлоғида жойлашган алоқа бўлимида Тошкент шаҳри ва Фарғона водийси вилоятлари ўртасида "Марказий почта алмашуви" пункти ташкил этилди.***

-Эндиликда Тошкентда чоп этилган кундалик газеталар, хат-хабарлар ва бошқа почта жўнатмалари ҳар куни эрталаб бу ерга олиб келинади ва шу ердан водий вилоятларига етказиб берилади, - дейди "Наманган почтаси" Поп филиали раҳбари Ўктамжон Норматов. – Бу янгилик туфайли барча марказий нашрлар ва бошқа почта жўнатмалари шу куннинг ўзида эгаларига етказиб берилади. Айни пайтда бу ердан жўнатилаётган хат-хабарлар ҳам пойтахтга бир кунда етиб бориши таъминланмоқда.

**Ортиқали НОМОЗОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## МАКТАБГА ЯПОНИЯ ГРАНТИ

***Яқинда Поп туманидаги иккита мактаб Япония грантини олди. Санг қишлоғидаги 10 - ва туман марказидаги 23-мактаб 50 минг АҚШ долларилик компютерлар, ўқув жиҳозлари, спорт ва ошхона анжомлари билан таъминланди. Барча ўқув хоналарига замонавий ускуналар ўрнатилди.***

Япония грантини олиш учун мактаб биноси замонавий лойиҳа асосида қурилган бўлиши ва тўлиқ таъмирланиши лозим. "Сирдарё" ширкат хўжалиги ҳамда собиқ мактаб битирувчилари 60 миллион сўм маблағ тўплаб 10-мактабни таъмирлашди.

-Мактабимизни таъмирлашда ҳудудимиздаги Ш.Мирсултонова номли ширкат хўжалиги ва тумандаги 12-автокорхона 50 миллион сўм маблағ ёрдам берди, - деди 23- мактаб директори Дилфуза Турсунова. – Мактабимизда 1073 нафар ўқувчи таълим оляпти. Энг асосийси, ўқувчиларимиз дунё болалари билан Интернет орқали алоқа ўрнатиш имкониятига эга бўлишди.

**"Туркистон-пресс"**

БИЛАСИЗМИ?

## УМРНИНГ ЧЕГАРАСИ БОРМИ?

***Юз йил олдин инсон ҳаётининг давомийлиги ўртача 49 ёшга тенг эди.***

Бугун эса бу рақам 76 ни ташкил этаяпти. Келажакда 2 ёки 3 баравар ошиши ҳам мумкин экан. Калифорния университети (АҚШ) тадқиқотчилари ана шундай хулосага келишди.

Доктор Рой Уотфорд узоқ яшаш учун кам калорияли овқат истеъмол қилиш керак, деб ҳисоблайди. 1935 йилдаёқ шу тарзда хўрак еган ҳайвонлар ўз қавмларига нисбатан узоқ яшаганлиги қайд этилган. 60-йилларда сичқонларда ўтказилган 6 лаборатория тадқиқотлари бундай озуқа еб ўсган жониворлар ҳаётининг давомийлиги 2 бараварга ошганлигини тасдиқлаган. 90-йилларнинг охирида худди шундай натижаларни манакалар билан ўтказилган тажрибалар чоғида олимлар кам калорияга эга бўлган парҳез, ҳаёт узвийлигини оширишнинг расмий усули деб қабул қилишди.

Калифорния университети генетиклари мустақил ўзгаришларни бошқариш ёрдамида чувалчанглар тана ўлчагичларининг қисқариш жараёнини тўхтатишга муяссар бўлгандилар. Чувалчанглар ҳаётининг давомийлиги икки мартага кўпайганидан кейин бу каби тажриба маймунларда қўллланила бошланди. Тажрибалар муваффақиятли ўтса, келажакда инсон ҳаётини 200 ёки 300 йилга узайтириш имконини берувчи дорилар пайдо бўлса не ажаб?

## МАҲКУМ ЖОНИВОРЛАР

***Тарихда фақат одамлар эмас, ҳайвонлар ҳам жиноятлари учун жазоланганлар.***

* 864 йили Германияда одамни чақиб ўлдиргани учун бир уя асалари тутун билан бўғиб ҳалок қилинган.

* 1712 йили австралиялик амалдорни тишлаб олгани учун кўппак итни қутига ҳибс қилишган. Фақат итнинг бўйини ва олд оёқлари учун тешик қолдирилган.

* 1864 йили Словенияда бир қизалоқнинг қулоғини тишлаб олган тўнғиз ўлимга ҳукм қилинган.

**Абдунайим БОЗОРОВ,**
**Зухра РИХСИЕВА**
**тайёрлади.**

# SPORT OLAMIDA

## "ТОШКЕНТ"ЛИКЛАР ҒОЛИБ

***Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида болалар иштирокида спортнинг футбол, кураш, бокс, баскетбол турлари бўйича туман биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.***

Тумандаги бир қатор ташкилотлар томонидан ташкиллаштирилган ушбу мусобақаларда маҳаллалар жамоалари ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришди. Турнир якунида "Тошкент" маҳалласи жамоаси туман ғолиблигини қўлга киритди. "Дўстлик" ҳамда "Пахтакор" маҳаллалари ёш спортчилари эса иккинчи, учинчи ўринлар билан кифояланишди.

## ШАҲАР БОСҚИЧИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

***Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғида "Маҳалла" жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, республика Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида маҳалла болалари жамоалари ўртасида ташкиллаштириб келинаётган "Футболимиз келажаги" турнирининг Тошкент шаҳар босқичи дастлабки беллашувлари ўтказилди.***



Дастлаб яшил майдонга тушган Юнусобод туманининг "Бодеҳқон" ҳамда Ҳамза туманининг Охунбобоев номли жамоалари учрашуви муросасиз, кескин курашлар остида ўтиб, ишқибозларда илиқ таассурот қолдирди. Рақибларидан кўра тезкор, ҳужумкор ўйин намойиш этган юнусободликлар учрашувни 4:2 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилишди. Мирзо Улуғбек туманининг "Оққўрғон" ҳамда Миробод туманининг "Файзиобод" жамоалари баҳсида эса "Оққўрғон" футболчиларига омад кулиб боқди. Мирободликларни мағлуб эта олган Мирзо Улуғбек тумани ёш футболчилари муҳим очкога эга бўлишди.

## ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ

***Жорий йилда "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг республика босқичи бўлиб ўтганди.***

Айниқса, Хоразмда ўтган "Умид ниҳоллари" беллашувларида фарғоналик ёш спортчилар ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш этишиб, кўпгина медаллар шодасини қўлга киритишганди. Куни кеча Фарғонада вилоят раҳбарлари, спорт мутасаддилари иштирокида уюштирилган тадбир "Умид ниҳоллари"да муваффақиятли иштирок этган фарғоналик ёш спортчиларни тақдирлашга бағишланди. Тадбирда сўзга чиққанлар жисмоний тарбия ва спорт ривожи йўлида вилоятда қилинаётган ишлар ва келгуси режалар ҳақида тўхталишди.

## АЁЛЛАР ФУТБОЛИ

***ФИФА ташкилоти эълон қилган аёллар футболи тўғрисидаги илк рейтинг натижасига кўра Ўзбекистон терма жамоаси рўйхатда 49-ўринни эгаллади.***



108 мамлакат терма жамоалари номлари қайд этилган рўйхатда энг биринчи ўринни АҚШ, иккинчи ва учинчи ўринларни Норвегия ҳамда Германия терма жамоалари банд этган. Жорий йилнинг 20 сентябр – 12 октябр кунлари эса АҚШнинг олтита шаҳрида аёллар футболи бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади. Қуръа натижаларига кўра:

"А" гуруҳида – АҚШ, Швеция, Нигерия, Шимолий Корея;

"В" гуруҳида – Норвегия, Франция, Жанубий Корея, Бразилия;

"С" гуруҳида – Германия, Канада, Аргентина, Япония;

"D" гуруҳида – Хитой, Гана, Австралия, Россия жамоалари ўзаро баҳслашади.

## КЛИЧКОЛАР ЯНА РИНГДА

***Ака-ука Кличколарнинг промоутери Клаус-Петер Колнинг маълум қилишича, 30 август куни Германиянинг Мюнхен шаҳрида Владимир аргентиналик Фабио Эдуардо Молига қарши рингга чиқади.***

Жорий йилда бирин-кетин мағлубиятга учраган ака-укаларнинг кичиги Владимир 8 март куни Жанубий африкалик Корри Сандерс билан кечган жангнинг иккинчи раундида нокаутга учраган бўлса, унинг акаси Виталий эса 21 июн куни британиялик Леннокс Льюисдан мағлубият аламини татиб кўрган эди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

# КЕЛАЖАК ВОРИСЛАРИ







Б.АКРАМОВ ва Т.НОРҚУЛОВ олган сурат-лавҳалар.

# САБЗИ ТЎҒРАР

ҲИКОЯ

**Носир ФОЗИЛОВ**

**(Боши ўтган сонда)**

Шунингдек, унинг бу баҳсдан бирон бир хусумати ҳам йўқ эди. Фақат, шунчаки маҳалла-кўй олдида ўзининг анча-мунча нарсадан хабари борлигини, манаман деган олимлар билан бемалол масала талашиши мумкинлигини ва олимлар уйида бекорга яшамаётганини бир намойиш қилиб қўймоқчи эди, холос. Бўлмади. Энди бундан буёғига масалани чуқурлаштириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Негаки, найчи одамлардан эшитган, билган "илми"ни ишга солиб бўлди. Энди буёғи саёз! Қайтиш керак, бир амаллаб мавзуни бошқа ёққа буриш керак.

-Домлажон, мен унақа демоқчи эмасдим, - деди у ялинганнамо илжайиб. - Ўша бўйра аъзолари ўртага ташланган масалани ҳал қилишда фаол аралашса... демоқчийдим.

-Бу бошқа гап, - деди домла сал ўзига келиб. – Аралашганда ҳам ақл билан, фаросат билан одилона аралашиши керак. А, сиз бўлсангиз...

Ғиёс найчи энди оғзини очса, нодонлиги билиниб қолишидан хавфсираб ўтирганда, даврага рўпарадаги озиқ-овқат магазинининг мудири Тешавой ака келиб қўшилди. У ўтирганлар билан бир-бир кўришиб чиққач: "Кампир-чолнинг умрлари узоқ бўлсин, тўй бўлсину ғам бўлмасин!" деб яхши тилак билдирди. Сўнг ташрифим қуруқ бўлмасин, дедими ё бошқа танишлар сабзи тўғраш билан банд бўлганлари учунми, Ғиёс найчига мурожаат қилди:

-Мабодо, бринза керак бўлса, марҳамат, Ғиёс ака. Ҳозиргина олдик. "Свежий".

Тешабой магазинчининг келгани жуда обрў бўлди-да! Шу баҳона улар қарийб боши берк кўчага кириб қолган мавзудан чалғишди. Бунинг устига унинг магазинига келган янги молни тўғри келиб найчига айтгани ҳам соз бўлди. Ҳа, энди кўриб қўйсин-да одамлар, найчининг ҳам унча-мунча одам эмаслигини!

Ҳозиргина домланинг олдида паст кета бошлаган Ғиёс найчининг кўкси ажабтовур кўтарилиб қолди.

-Тунов куни олган эдик, - деди шу атрофда хизмат қилиб юрган йигитлардан бири. – Жуда тузи ўткир экан-эй. Сув ичавериб, сув ичавериб...

-Жудаям унақа эмас, - эътироз билдирди Ғиёс найчи ҳалиги йигитнинг гапини чўрт кесиб. Энди гапга қўшилаверса ҳам бўлаверади. Чунки, мавзу бринзага ўтиб кетди. – Жуда зўр бронза. Тунов куни Вазирлигимизнинг магазинидан қўрғироқ қилиб: "Сизга ҳам икки кило олиб қўйдик" дейишган эди. Олиб келдим. Ўзиям полшинский экан денг, қарамабман, ёғи тегиб, кастонди расво қилибди.

Домла эътибор бермаган экан, энди кўрди: у шундоқ иссиқда ҳам эгнига қора кўк костюм тагидан оқ кўйлак кийиб, галстук тақиб олибди. Боядан бери нариги столда найчининг гапларига қулоқ солиб, сабзи тўғраётган Саиджон чидаёлмади, шекилли, қўлидаги пичоқни ёшроқ бир йигитга тутқазди-да, домлалар ўтирган столга ўтди. Қорадан қон чиққунча, сариқдан жон чиқади, дейишади-ку, ахир. Ўзини босишга ҳарчанд ҳаракат қилса ҳам бўлмади.

-Ғиёс ака, бу дейман "бронза"-си тушмагур "кастон"ингизни расво қилибди-да, а? – деди истеҳзо билан. Саиджоннинг ёмон бир одати бор: мана шунақа чираниқ ва ўпирди гапларни эшитса чидаёлмайди, пов этиб ёнади кетади. Мана, ҳозир ҳам шундай бўлди. – Айланай сиздан тақсирим, бронза эмас, бринза. Буни ўзимизда пишлоқ дейишади. Кастон эмас, костюм. полшинский деганингиз нимаси? Мабодо, полский демоқчи бўлсангиз, у полякларники эмас, болгарларники. Бронза дегани – маъдан дегани. Яъни масалан, ўзларининг бюсти ясалгудай бўлса керак бўладиган...

-Э, бўлди, бўлди, - деди Ғиёс найчи зўрма-зўраки илжайиб. У азбаройи мулзам бўлганидан қизариб кетган эди. – Бу Саиджонга ҳазил ҳам қилиб бўлмайди. Бўпти, домлажон, - у домлага мурожаат қилиб ўрнидан турди. – Мен бир бозорга бориб, майда-чуйда олиб келай.

Найчи Саиджон билан гап талашиб обрў ололмаслигини яхши биларди. Обрў борлигида жуфтакни ростлаб қўя қолай, деб ўйлади шекилли, уйига қараб юрди ва сал ўтмай булар ўтирган жойдан машинасида ўтиб кетди.

Қуёш қатор-қатор иморатлар ва ўша иморатлардан ана ўтиб кетаман, мана ўтиб кетаман, деб турган мирзатераклар ортига беркиниб, ҳовлига қўнғир салқин тушди. Одамлар боягидан гавжум. Сабзи тўғраётганларнинг қўли-қўлига тегмас, оғизлари ҳам гапдан бўшамас эди.

Саиджон тушмагур Аброр домлани ҳам, Умархўжани ҳам, тағин бир-иккита қўни-қўшниларни ҳам ишга солиб юборибди: ўзлари ўтирган столга ҳам тўғраш учун пиёз олиб келинибди. Аброр домла кўзларидан ёш оқизиб, пиёзни йирик-йирик тўғрар экан, бошини чайқаб кулди. Саиджон бурнини тортиб, домлага саволомуз тикилди.

-Ғалати одам экан-ку, а? – деди у кўзларини рўмолчаси билан артар экан Саиджонга қараб.

Саиджонлар яшаётган мавзени Височовольтний дейишади. Тўғрироғи, Академиклар шаҳарчаси. Чеккароқда бўлгани учун шаҳар марказига нисбатан баҳаворок. Ҳарорати ҳам бир-икки даража фарқ қилади. Дарахтлар кўп, соя-салқин. Улар яшаётган уйда ғирт зиёлилар истиқомат қилишади: академиклар, фан докторлари, профессорлар, фан номзодлари. Нимадир сабаб бўлиб, найчи бечора ҳам шу кўчага тушиб қолган. Ўзини бу уйда яшаётганлардан кам тутгиси келмайди, баъзан бунинг уддасидан ҳам чиқади: ичиб-еийишдан улардан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас. Тагида оппоқ "Газ-24". Аммо, савод масаласи сал чатоқроқ. Бу масалада ҳам қўни-қўшниларидан ўтиб кетгиси бор-у...

...Саиджон хаёлидан айрилиб бундай қараса, Аброр домла ҳалиям пиёз аччиғидан намланган кўзларини "Бу қанақа одам ўзи?" дегандай унга тикиб турган экан.

-Ҳа, Саиджон, жа нафасингиз ичингизга тушиб кетди, - деди Аброр домла гинаомуз.

-Йўқ, домлажон, найчи ҳақида нима десам экан, деб ўйлаб турибман-да.

-Назаримда у киши сиздан сал ҳайиқади шекилли, а?

-Шунақа, домла, - гапга аралашди қўшни йигитлардан бири кулиб. – Ҳув, ўша воқеани домлага гапириб бера қолинг, Саиджон ака.

-Бир гап ўтган шекилли, а? Эшитайлик бўлмаса.

-Қўймадингиз-қўймадингиз-да, домлажон. Ҳа, энди шунақа бўлувди, - Саиджон қувлик билан кулди. – Бир куни денг, балконда турсам, пастдаги скамейкада найчи ўтирибди. Мени кўриб "тушинг" деб имлади. Мен бирон муҳим гапи бўлса керак, деб ўйлаб, зудлик билан кийиниб унинг олдига тушдим. Ўнг қўлини чўзиб мен билан кўришди, чап қўлида қандайдир қоғоз. Чарчаганнамо. Ҳали уйига ҳам кирмаган шекилли, ечинмаган, бошидаги сомон шляпаси елкасига томон оғиб кетибди.

-Ҳорманг, қўлингиздаги нима? Рўйхатга ўхшайдими? – деб сўрадим.

-Уф, - деди у қўлидаги қоғоз билан елпиниб. – Имтиҳондан келяпман.

-Нима бало, қариганда тағин ўқишни бошлаб юбордингизми?!

-Э, йўқ, имтиҳон олиб келяпман, - деди у парво қилмай. – Мана бу ўша имтиҳон топширган талабалар рўйхати.

Қўлидаги рўйхатни аста олиб қарадим, йигирматача одамнинг исмшарифи машинкада ёзилиб, уларнинг рўпарасига қизил, кўк қалам билан қандайдир белгилар қўйилибди.

-Ҳали шунақа ҳунарингиз ҳам борми? – дедим рўйхатни унга қайтариб бериб.

У мени ҳайратда қолдирганидан хурсанд бўлиб илжайди. Ҳақақатан ҳам ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай, иккиланиб қолган эдим.

-Қайси техникумда?..

-Техникумингиз нимаси? Институтда, - деди у жиддий. Ўзини ўша гапига мослаштириш учун бўлса керак, қаддини ростлаброқ ўтирди.

-Қайси институт?

-Халқ хўжалиги...

-Унвонингиз ҳам бордир унда? – деб сўрадим мен авайлабгина.

-Қанақа унвон? – деди у бироз саросимага тушиб.

-Масалан, доцент, номзод дегандақа-да.

-Э, уми? – у: "Ҳали хабарингиз йўқми?" дегандай менга қаради. – Кандидатскийим тайёр, келаси ҳафтада ёқлайман.

-Қойилман-э, сизга, - дедим астойдил хафа бўлиб. – Келаси ҳафтада ҳимоя қилар экансиз-у, кўздек қўшнимиз ахир, эсдалик учун авторефератингизга табаррук имзонгизни чекиб беришни ҳам билмайсиза. Офарин-э, ака деган ҳам шунақа бўладими?

-Тўхтанг, тўхтанг. Бу апто...

-Автореферат.

-Бу апторепротингиз нимаси тағин?

Найчи шу аснода ишончини барбод қилди-қўйди. Мен чиройли бошланган бу ёлғоннинг тезгина тугаб қолмаслигини жуда-жуда истардим. Шунинг учун рефератга билганимча изоҳ бера бошладим.

**(Давоми келгуси сонларда)**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс –133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Д.УЛУҒМУРОДОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-561, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00. Адади 16 114

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

E-mail: kishlokhayati@ars-inform.uz